



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Исламов.Б.С.¹
Жалилов.А.А.²

¹ Самарқанд Давлат университети доценти.

² Самарқанд Давлат университети 1-курс магистранти

Самарқанд вилояти Нурота тоғ тизмаси Оқтов ҳудудида каррак (*Cousinia* Cass.) туркуми вакилларининг тарқалиши.

Аннотация: Самарқанд вилояти геоботаник жихатдан икки йирик провинцияга бўлинади. Булар: Ўрта Осиё Тоғ провинцияси ва Турон провинцияси, бу тоғпровинцияларда Самарқанд вилоятида учровчи 95та оила 573 та туркум 1687 тур ўсимлик турлича нисбатларда тарқалган. Агар биз флорамиз оламини оилалар мисолида таҳлил қилсак биринчи ўринда Asteraceae (қоқиўтдошлар) 77 туркум, 251 та тур, иккинчи ўринда Fabaceae (бурчқоқдошлар) 75 та туркум 174 та тур ва учинчи ўринни Poaceae (буғдойдошлар) 55та туркум, 130 та тур егаллайди. Бошқа оилалар еса буларга нисбатан камроқ миқдорда учрайди.

Диссертация мавзуси бўйича биологик хусусиятлари ўрганилаётган каррак (*Cousinia* Cass.) туркуми турлари эса сифатли ем-хашакчилиги, асал-ширага бойлиги, илдиз қисмларида кўп миқдорда каучук сақлаши ҳамда тупроқ эрозиясини олдини олишда муҳимлиги билан бошқа ўсимликлардан ажралиб туради.



Калит сўзлар: Compositaceae, Asteraceae, Cousinia Cass, Оқтов, каучук, провинция, тўпгул, мева, ем-хашак, монокарп, поликарп, каррак, Турон, флора, фитоценоз, тур, туркум, оила, интенсив, биология, гуллаш.

XXI асрда дунё аҳолиси сонининг интенсив ошиши турли маҳсулотларнинг сифатига бўлган еҳтиёжлар чегараси кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бундай вазиятда бирламчи сифатли озиқ-овқат хом-ашёсига бўлган талаб ҳам кўтарилишига олиб келмоқда. Масалан озуқабоп экинлар хусусан ем-хашак ўсимликларининг бугунги кун талаб ва қонуниятларига акклиматизация ва интродукция йўллари билан оптималлаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади, чунки глобал исиш ва сурункали парник эффекти чўлланган ҳудудлар кўламининг ошишига оқибатда хўжалик аҳамиятининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бундай вазиятда яшаш учун курашнинг энг муҳим омили табиий танланиш механизмларидан фойдаланган ҳолатда тирикликни ва қулай яшашни тامينлаш мумкин. Хусусан сувга бўлган талабчанлиги паст озуқавий самарадорлиги еса юқори бўлган флористик гуруҳлар таркибидан ўсимликларни танлаш еса айнаи муддао бўлади. Бу борада Asteraceae (қоқиўтдошлар) оиласининг, каррак (Cousinia Cass.) туркумининг бир қанча вакиллар алоҳида аҳамиятли (Исламов Б.С., 1990). Бу туркумнинг Самарқанд вилоятида 44та тури кенг тарқалган. Уларнинг 12 таси айнан Оқтов географик ҳудудида учраши аниқланган, лекин барчаси ҳам тўлақонли ўрганилмаган. Айнаи туркумнинг (Cousinia mikrocarpa.) майда мевали каррак, (Cousinia minima) гултикон ёки кичик каррак, (Cousinia resinosa) қатронли каррак (ёки елимли каррак), (Cousinia shestoptera) турнатовон каррак, (Cousinia tenella) қарикиз ёки қора каррак, (Cousinia trofalia) оқ япроқ каррак, (Cousinia umbrosa Bunge) оқ боштикан ёки соячил каррак, (Cousinia dshisakensis) жиззах карраги каби турлари кенг тарқалган. Ушбу кузиния турларидан 7 та тур монокарп ўсимликлар бўлиб тиканли тишсимон барг япроқлари билан характерланади. Фақат (Cousinia umbrosa Bunge) оқ боштикан ёки соячил каррак поликарпикдир. Кўпчилик вакилларининг гуллари сарғиш қизил, гултожи гулкосачасидан чиқиб туради.



Уруғи қорамтир-қўнғир. Вакиллари орасида (*Cousinia resinosa*) қатронли қаррак, (*Cousinia umbrosa* Bunge) оқ боштикан ёки соячил қаррак, кўп йиллик сифатли ем-хашак ўсимликлар гуруҳига мансуб бўлиб улардан табиий шароитда 1,5-2 тоннагача қуруқ ем-хашак йиғиш мумкин. Бу ўсимликлар хашаги протеин ва тўйимли клетчаткага бойлиги билан аҳамиятли улар гуллаганда 8-12%гача протеин ва 40-45%гача клетчатка бўлади. Бу еса озуканинг тўйимлилик даражасини оширади. Маҳаллий аҳоли томонидан бу турлар қиш фаслида йирик шохли ва чорва молларига асосий витамин ва оксилли ем-хашак сифатида жамғарилади. Б.С. Исламов (1995) маълумотларига кўра, (*Cousinia umbrosa* Bunge) оқ боштикан ёки соячил қаррак, асал-ширалаи ўсимлик сифатида ҳам аҳамиятлидир. Ундан олинган нектар-шира асосида тайёрланган асал таркибида микроэлементлар, витаминлар, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар концентрацияси фоизи юқори бўлади.

Оқтов тоғи Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудларини ўз ичига олади. Ушбу ҳудудда *Cousinia* Cass. туркуми турларининг тарқалиши ва ўсимлик қопламида тутган ўрни ўрганилди. Фитоценологик ҳудудда учрайдиган ўсимлик турларини аниқлашда С.К Черепанов[1], Определитель растений Средней Азии [2], Кадастр флоры Узбекистана: Самаркандская область [3] ва бошқа аниқлагич ҳамда бошқа қўлланмалардан фойдаланилди.

Нурота тоғ тизмасининг Оқтов ҳудудида (Самарқанд вилоятининг жанубий шарқий ва Навоий вилоятининг шимолий шарқий қисмлари) . ўсувчи *Cousinia* Cass.туркумининг қуйидаги вакиллари ўрганилди. Ўрганиш натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Нурота тоғ тизмасининг Оқтов ҳудудида ўсувчи Cousinia
Cass.туркумининг вакиллари

	Ўсимлик номи	Ҳаётий шакли	Хўжаликдаги аҳамияти		
			Ем-хашак	Асал-ширалаи	Бегона ўсимлик
1	<i>Cousinia resinosa</i>	Кўп йиллик	+	+	+
2	<i>Cousinia sarawshanica</i>	Кўп йиллик	-	-	+
3	<i>Cousinia schmalhauseni</i>	Кўп йиллик	+	-	+
4	<i>Cousinia tenella</i>	Бир йиллик	+	+	+
5	<i>Cousinia umbrosa</i>	Кўп йиллик	+	+	+
6	<i>Cousinia olgae</i>	Икки йиллик	+	+	+
7	<i>Cousinia prolifera</i>	Бир йиллик	+	-	+
8	<i>Cousinia radians</i>	Икки йиллик	+	+	+
9	<i>Cousinia regelii</i>	Кўп йиллик	+	-	+
10	<i>Cousinia dshisakensis</i>	Икки йиллик	+	-	+
11	<i>Causinia mikrokarpa</i>	Кўп йиллик	+	-	+



12	Cousinia mollis	Икки йиллик	+	-	+
----	-----------------	----------------	---	---	---

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилган ҳудудда каррак (*Cousinia* Cass.) туркумининг 12та вакиллари учрайди ва уларнинг барчаси ёввойи турлардир. Улардан 6та тури кўп йиллик, 4та тури икки йиллик ва 2та тури бир йиллик ўсимликлардир.

Хулоса

1.Ўрганилган маълумотлар асосида *Cousinia* Cass.туркумининг Нурота тоғ тизмасининг Оқтов ҳудудида 12та ёввойи тури тарқалганлиги аниқланди.

2.Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики бу турларнинг барчаси ёввойи бўлиб, улардан 6та тури кўп йиллик, 4та тури икки йиллик ва 2та тури бир йиллик ўсимликлардир.

3.Туркум вакилларининг ўрганилган ҳудудда кам ўрганилганлигини ҳамда баъзи турларни перспектив эканлигини инобатга олиб, айрим вакилларининг биологиясини ўрганиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Адабиётлар рўйхати

1. ИСЛАМОВ Б.С. Кузиния тeneвая и.к. золотистая новые перспективные кормовые растения для аридной зоны Узбекистана // Тезисы докладов II гордской научно-теоретич. конф. молодых ученых и специалистов. Самарканд. 1990. С. 167.

2. ИСЛАМОВ Б.С. О кормовых достоинствах кузинии теневой в условиях аридной зоны Узбекистана // Роль ботанических садов в рациональном использовании и воспроизводстве растительных ресурсов (Тезисы докл. VII Всесоюзной конф. молодых ученых). Ташкент. 1995. С. 47-48.

3. Черепанов С.К. Сосудисты растения СССР. Л.: Наука, 1981. 509 с.

4. Определитель растений Средней Азии. 1968-1993.



5. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Кодиров У.Х., Батошов А.Р.,
Мирзалиева Д.У. Кадастр флоры Узбекистана: Самаркандская область.
Тошкент.ФАН, 2018.-220 с.